

Ўғриликнинг жазоси



08:00 / 24.11.2020 3218

Муҳаммад ибн Абдулмалик Ҳамадоний ўзининг «Тарих» китобида шундай ёзади: «Азудуддавлага баланд тоғ устида бир неча курдлар йўлтўсарлик қилаётгани ҳақида хабар келди. Лекин уларни йўқотишга куч етарли эмас эди. Азудуддавла бир савдогарни чақириб, унга иккита сандиқ юкланган хачир берди. Унга заҳар суртилган ширинликлар солинган эди. Халифа уларни ажойиб идишларга чиройли қилиб солдирди, ҳидини ҳам хушбўй қилишни буюрди. Савдогарга пул бериб, карвон билан борасан, бу нарсалар амирлардан бирининг хотинига совға экан деб айтасан деб буюрди. Савдогар карвонни бошлаб бораётган эди, бирдан қароқчилар ёпирилиб, унинг бор-будини, мато ва молларни талашди. Улардан бири бояги хачирни ҳам етаклаб, шериклари томонга қайтди. Карвондагилар ҳеч вақосиз қолишиди. Қароқчилар хачирга юкланган иккита сандиқни очиб, иштаҳани қитиқладиган, чиройли, хушбўй ҳидли ширинликларни кўриб, ҳангу манг бўлиб қолишиди. Дарҳол шерикларини чақириб, бор ширинликни пақъос туширишиди. Бироздан сўнг ҳаммаси тил тортмай ўлди. Савдогар қайтиб келиб, таланган ҳамма молларини қайтариб олди. Мен ёмонларнинг таъзири берилган бундай ҳийлани сира эшитмаганман».

«Солихлар гулшани» китобидан